УРГАНЧ ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ, ҚОРАҚАЛПОҚ ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖА БЕРУВЧИ PhD.28.12.2017.FM.55.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ

ҚАРШИ ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ

ЯНГИБОЕВ ЗОЙИР ШОБЕРДИЕВИЧ

НОМАЪЛУМ МАНБАЛИ ҒОВАК МУҲИТЛАРДА SH ТЎЛҚИНЛИ ТЕНГЛАМА УЧУН БИР ЎЛЧАМЛИ ТЕСКАРИ ДИНАМИК МАСАЛАЛАР

01.01.02- Дифференциал тенгламалар ва математик физика

ФИЗИКА-МАТЕМАТИКА ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD) ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ

Урганч – 2018

УДК: 517.957

Физика-математика фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси автореферати мундарижаси

Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD) по физико-математическим наукам

Contents of dissertation abstract of doctor of philosophy (PhD) on physical-mathematical sciences

Янгибоев Зойир Шобердиевич
Номаълум манбали ғовак муҳитларда SH тўлқинли тенглама учун бир ўлчамли тескари динамик масалалар **3**

Янгибоев Зойир Шобердиевич
Одномерные обратные динамические задачи для уравнения SH волн в пористых средах с неизвестным источником **23**

Yangiboev Zoyir Shoberdievich
One dimensional inverse dynamic problems for the SH-wave equation in porous media with an unknown source …………................................ **43**

Эълон қилинган ишлари
Список опубликованных работ
List of published works ……………………………………………… **47**

УРГАНЧ ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ, ҚОРАҚАЛПОҚ ДАВЛАТ
УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖА
БЕРУВЧИ PhD.28.12.2017.FM.55.01 РАҚАМЛИ
ИЛМИЙ КЕНГАШ

ҚАРШИ ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ

ЯНГИБОЕВ ЗОЙИР ШОБЕРДИЕВИЧ

НОМАЪЛУМ МАНБАЛИ ҒОВАК МУҲИТЛАРДА SH ТЎЛҚИНЛИ ТЕНГЛАМА УЧУН БИР ЎЛЧАМЛИ ТЕСКАРИ ДИНАМИК МАСАЛАЛАР

01.01.02- Дифференциал тенгламалар ва математик физика

**ФИЗИКА-МАТЕМАТИКА ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

Урганч – 2018

Физика-математика фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида B2017.4.PhD/FM153 рақам билан рўйхатга олинган.

Диссертация Қарши Давлат университетида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгаш веб-саҳифасида (www.ik-mat.urdu.uz) ва «Ziyonet» Ахборот таълим порталида (www.ziyonet.uz) жойлаштирилган.

Илмий раҳбар:	**Имомназаров Холматжон Худайназарович,** физика-математика фанлари доктори, (Россия Федерацияси, Ҳисоблаш математикаси ва математик геофизика илмий текшириш институти)
Расмий оппонентлар:	**Яхшимуратов Алишер Бекчанович,** физика-математика фанлари доктори,
	Бегматов Акрам Хасанович, физика-математика фанлари доктори, доцент.
Етакчи ташкилот:	**Ўзбекистон Миллий университети**

Диссертация ҳимояси Урганч Давлат университети, Қорақалпоқ Давлат университети ҳузуридаги PhD.28.12.2017.FM.55.01 рақамли Илмий кенгашнинг 2019 йил «18» январь соат 14^{00} даги мажлисида бўлиб ўтади (Манзил: 220100, Урганч ш., Ҳ.Олимжон кўчаси, 14-уй. Тел.: (99862) 224-66-11; факс: (99862) 224-67-00; e-mail: ik-mat.urdu@umail.uz).

Диссертация билан Урганч Давлат университетининг Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (Д-228-рақами билан рўйхатга олинган). (Манзил: 220100, Урганч ш., Ҳ. Олимжон кўчаси, 14-уй. Тел.: (99862) 224-66-11; факс: (99862) 224-67-00).

Диссертация автореферати 2018 йил «____» ________________куни тарқатилди.
(2018 йил «____» ________________ даги _______ рақамли реестр баённомаси).

Б.И. Абдуллаев,
Илмий даража берувчи илмий
кенгаш раиси, ф.-м.ф.д.

А.А. Атамуратов,
Илмий даража берувчи илмий
кенгаш илмий котиби, ф.-м.ф.н.

А.Б. Яхшимуратов,
Илмий даража берувчи илмий
кенгаш қошидаги илмий семинар раиси,
ф.-м.ф.д.

КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Жаҳон миқёсида олиб борилаётган кўплаб илмий-амалий тадқиқотлар аксарият ҳолларда, соф математик масалаларнинг ечимига олиб келинади. Шунинг учун физик жараёнларнинг математик моделини тузиш замонавий фаннинг муҳим йўналишидир. Суюқлик ва газ механикаси масалаларида чегаравий масалалар кенг қўлланилади. Бундай масалаларда берилган характеристикалар бўйича объектнинг формаси (масалан, тўғоннинг ер ости контури, сув-нефть боғланиши, самолёт қанотлари профили ва бошқалар) топилади ёки объектнинг берилган формаси бўйича унинг характеристикалари ҳисобланади. Бу икки масала фанга тўғри ва тескари чегаравий масала номи билан кирган. Хусусан, бундай масалалар геофизик қидирув ишларида, нефть қатламларини топишда ҳамда қазиш ишларини жадаллаштиришда, нефть ва газ конларига тўлқин ёрдамида таъсир этишнинг параметрларини танлашда пайдо бўлади. Шу боисдан номаълум манбали ғовак муҳитларда SH тўлқинли тенглама учун бир ўлчамли тескари динамик масалаларни ўрганишга оид тадқиқотлар геофизик масалаларни ечишда муҳим бўлган ғовак муҳитларда фильтирлаш моделларини ривожлантиришда муҳим вазифалардан бири бўлиб қолмоқда.

Ҳозирги кунда жаҳонда турли муҳитларда ва системаларда тўлқинли жараёнларни текшириш, жумладан ғовак муҳит учун тескари динамик масалаларда сейсмик тўлқин тарқалишини тавсифловчи математик моделлар геофизика масалаларида кенг қўллանила бошланди. Ҳақиқий физик системалар коррект бўлмаган чегаравий масалалар билан тавсифланади. Тўлқин жараёнларни математик моделларини қуриш, нафақат муҳитнинг зичлиги ва унда сейсмик тўлкинлар тарқалиши тезлигини аниқлаш масаласи, балки муҳитнинг ғоваклиги, ўтказувчанлиги каби бошқа кинетик параметрларини аниқлайдиган ғовак муҳит учун тескари динамик масалаларда татбиқ қилиш устувор йўналиш ҳисобланади. Номаълум манбали ғовак муҳитларда SH тўлқинли тенглама учун бир ўлчамли тескари динамик масалалар классик ечимларининг локал мавжудлигини тадқиқ қилиш, кўндаланг тўлқинлар тенгламасининг регуляризацияланган ечимларини қуриш ҳамда уларнинг сонли ҳисоблаш методлари ва алгоритмларини ишлаб чиқиш мақсадли илмий тадқиқотлардан ҳисобланади.

Мамлакатимизда фундаментал фанларнинг амалий татбиққа эга бўлган долзарб йўналишларига эътибор кучайтирилди. Жумладан, математик физика тенгламалари ва дифференциал тенгламалар назариясининг коррект бўлмаган масалалар назариясидаги тадқиқотларни таҳлил қилишга алоҳида эътибор қаратилди. Бунинг натижасида математик физика тенгламаларини коррект бўлмаган масалалари бўйича салмоқли натижаларга эришилди. Математика, физика, математик физиканинг замонавий усуллари фанларининг устувор йўналишлари бўйича халқаро стандартлар даражасида илмий тадқиқотлар олиб бориш асосий вазифалар ва фаолият йўналишлари этиб белгиланади.[1]

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 20 апрелдаги ПҚ-2909-сон «Олий таълим тизимини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги, 2017 йил 17 февралдаги ПҚ-2789-сон «Фанлар академияси фаолияти, илмий-тадқиқот ишларини ташкил этиш, бошқариш ва молиялаштиришни янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарори ва 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сон «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида»ги фармони ҳамда мазкур фаолиятга тегишли бошқа норматив-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишга ушбу диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланиши устувор йўналишларига мослиги. Мазкур тадқиқот республика фан ва технологиялар ривожланишининг IV. «Математика, механика ва информатика» устувор йўналиши доирасида бажарилган.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Гиперболик тенгламалар учун тескари динамик масалаларда қўшимча маълумот сифатида бирор мос масаланинг ечимини изи вақтга ўхшаш сиртлар қаторида берилган бўлади. Гиперболик тенглама ва системалар учун тескари динамик масалалар биринчи бўлиб М. М. Лаврентьев, В.Г. Романов, А.С. Благовещенский, А.С. Алексеевлар томонидан қўйилган ва татбиқ қилинган. Гиперболик тенглама ва системалар учун тескари динамик масалаларни татбиқ этишнинг турли хил йўллари ва усуллари М. М. Лаврентьев, В.Г. Романов, А.С. Благовещенский, А.И. Прилепко, Ю.Е. Аниконов, А.Л. Бухгейм, Х.Х. Имомназаров, А. Хайдаров, Д.К. Дурдиев, А.Э. Холмурадов ва бошқаларнинг ишларида келтирилган ва ривожлантирилган. Юқоридаги ишлардан В.Г. Романов, А.С. Благовещенский ишлари диссертация ишига алоқадор ҳисобланади. Бунда вертикал – бир жинсли бўлмаган эластик-изотроп муҳит учун эркин сиртда тўлқин майдони ҳақидаги бирор қўшимча маълумотга кўра тўлқин тезлигининг тарқалишини аниқлаш ҳақидаги тўлқин тенгламаси учун бир ўлчовли тескари масала кўриб чиқилган. Ушбу масаланинг ечилиши ва ечимнинг берилганларга узлуксиз боғлиқлиги ҳақидаги теоремалар исботланган.

Диссертация тадқиқотининг диссертация бажарилган олий таълим муассасасининг илмий тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги.

Диссертация тадқиқоти Қарши Давлат университетининг илмий тадқиқот ишлари режаси мувофиқ бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади ғовак-эластик муҳитда тўғри ва тескари динамик масалаларини ечиш ва ечимнинг ягоналиги, турғунлик баҳоларини аниқлашдан иборат.

---

[1] Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2017 йил 18 майдаги “Ўзбекистон Республикаси Фанлар академиясининг янгидан ташкил этилган илмий тадқиқот муассасалари фаолиятини ташкил этиш тўғрисида”ги 292-сон қарори.

Тадқиқотнинг вазифалари:

ғовак-эластик муҳитда бир ўлчамли тескари динамик масаланинг регуляризацияловчи алгоритмини ишлаб чиқиш;

тескари динамик масаланинг ечими берилганларга узлуксиз боғлиқлиги ҳақидаги теоремани исботлаш. Қаралаётган бир ўлчамли ғовак-эластик тескари динамик масала учун турғунлик баҳоларни аниқлаш;

диссипатив ҳолатда ғовак-эластик динамик тенглама учун биринчи Дарбу масаласини ечиш;

ярим фазонинг чегарасида шакли номаълум импульс нуқтали манбали кўндаланг тўлқин учун ғовак-эластик муҳитда бир ўлчамли тескари динамик масалани ечиш;

ғовак-эластик муҳитда биргаликдаги бир ўлчамли тескари динамик масала учун ягоналик ва мавжудлик теоремасини исботлаш;

ғовак-эластик муҳитда икки ўлчамли тескари динамик масала ечимининг турғунлик баҳоларини аниқлаш ва ягоналик теоремаларини исботлаш.

Тадқиқотнинг объекти мураккаб реологияли суюқлик билан тўйинтирилган ғовак муҳитларда тўлқин тарқалишини ифодаловчи хусусий ҳосилали дифференциал тенгламалардан иборат.

Тадқиқотнинг предмети сейсмик SH тўлқин тарқалишининг бир ўлчамли тўғри ва тескари динамик масаланинг математик моделидан иборат.

Тадқиқотнинг усуллари. Диссертация ишида гиперболик системалар учун характеристикалар усули, дифференциал ва интеграл тенгламаларни ечиш усули, функционал анализ усули ва регуляризация усулларидан фойдаланилган.

Тадқиқотнинг илмий янгиликлари қуйидагилардан иборат:

ғовак-эластик муҳитда бир ўлчамли тескари динамик масала учун регуляризацияловчи алгоритми ишлаб чиқилган ва турғунлик баҳолари олинган;

тескари динамик масаланинг ечими берилганларга узлуксиз боғлиқлиги ҳақидаги теорема исботланган;

диссипатив ҳалотда ғовак-эластик динамик тенглама учун биринчи Дарбу масаласининг корректлиги исботланган ва масаланинг ечилиши ҳақидаги теоремалар исботланган;

ярим фазонинг чегарасида шакли номаълум импульс нуқтали манбали кўндаланг тўлқин учун ғовак-эластик муҳитда бир ўлчамли тескари динамик масала ечилган;

шакли номаълум импульс нуқтали манбали кўндаланг тўлқин учун ғовак-эластик муҳитда икки ўлчамли тўғри динамик масала ечимининг ягоналик баҳолари олинган;

ғовак-эластик муҳитда икки ўлчамли тескари динамик масала ечимининг турғунлик баҳолари олинган ва ягоналик теоремалари исботланган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари қуйидагилардан иборат:

ғовак-эластик муҳитда тескари динамик масала учун регуляризацияланган ечимни топиш алгоритми ишлаб чиқилган;

ғовак-эластик муҳитда биргаликдаги бир ўлчамли тескари динамик масалаларнинг ечимининг ягоналиги ва турғунлик баҳолари олинган.

Тадқиқот натижаларинг ишончлилиги математик моделнинг корректлиги, унинг термодинамика қонуниятлари билан мутаносиблиги, тўлқин жараёнларини тавсифловчи гиперболик тенгламаларнинг ҳосил бўлганлиги, текширишнинг математик қатъий олиб борилганлиги, ечимни топишда математик асосланган методлардан фойдаланилганлиги, олинган ечимларнинг бир фазали муҳит учун мос аниқ ечим билан мутаносиблиги, сонли моделлаштириш натижаларини қабул қилинган мезонлар асосида экспериментал маълумотлар билан қиёсий таҳлилига асосланганлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти.

Тадқиқот ишида олинган натижаларнинг илмий аҳамияти уларнинг хусусий ҳосилали дифференциал тенгламалар назариясида ҳамда геофизиканинг нефтгаз конлари масалаларини ечишда фойдаланиш мумкинлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот ишининг амалий аҳамияти тадқиқот объектининг экспереметал маълумотларга асосланиб танланишида ва олинган натижалар турли табиий ва технологик жараёнларнинг кенг синфини ўрганишда татбиқ қилиш билан белгиланади.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Номаълум манбали ғовак муҳитларда SH тўлқинли тенглама учун бир ўлчамли тескари динамик масалаларга оид олинган илмий натижалар асосида:

ғовак-эластикликнинг математик модели ва регуляризацияланган ечиш алгоритми Россия Фанлар академияси Сибирь бўлими Ҳисоблаш математикаси ва математик геофизика институтининг 1.3.1.3-рақамли «Методы создания, исследования и идентификации математических моделей о Земли» (2014-2016 гг.) лойиҳасида геофизиканинг нефтгаз конлари масалаларини ечишда фойдаланилган (Россия Фанлари академиясининг Сибирь бўлими ҳисоблаш математикаси ва математик геофизика институтининг 2018 йил 12 апрелдаги 15301/12-01-62-сонли маълумотномаси). Илмий натижанинг қўлланилиши ғовак-эластик муҳитларда тўлқин тарқалиш тенгламаси учун тўғри ва тескари масалаларнинг ечилишини исботлаш имконини берган. Шунингдек, ечимлар учун регуляризацияловчи алгоритмлар қурилган;

ғовак-эластик муҳитда биргаликдаги бир ўлчамли тескари динамик масалаларга доир олинган натижалар А-13-38-рақамли «Икки фазали муҳит ночизиқли тўлқин динамикаси учун тўғри ва тескари масалаларни назарий ва сонли тадқиқ қилиш» (2015-2017 йй.) лойиҳасида тўғри ва тескари динамик масалаларни ечишга татбиқ этилган (Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2018 йил 07 ноябрдаги № 89-03-3799-сонли маълумотномаси). Илмий натижаларнинг қўлланилиши натижасида тўғри ва тескари динамик масалаларни тақрибий ечилган ва ечимнинг турғунлик баҳолари аниқланган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Мазкур тадқиқот натижалари 11 та илмий анжуманларда, жумладан, 5 та халқаро ва 6 та республика миқёсидаги илмий-амалий анжуманларда муҳокамадан ўтказилган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги. Диссертация тадқиқоти мавзуси бўйича жами 19 та илмий иш чоп этилган, шулардан 5 та мақола Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг докторлик диссертациялари асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрларда эълон қилинган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация кириш, учта боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхатидан иборат. Диссертациянинг ҳажми 113 бетни ташкил этади.

ДИССЕРТАЦИЯ ИШИНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисмида диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати асосланган, тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги кўрсатилган, мавзу бўйича хорижий илмий тадқиқотлар шарҳи, муаммонинг ўрганилганлик даражаси келтирилган, тадқиқот мақсади, вазифалари, объекти ва предмети тавсифланган, тадқиқотнинг илмий янгилиги ва амалий натижалари баён қилинган, олинган натижаларнинг назарий ва амалий аҳамияти очиб берилган, тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши, нашр этилган ишлар ва диссертация тузилиши бўйича маълумотлар берилган.

Диссертациянинг **“Ғовак-эластикликнинг термодинамик мутоносиб математик модели”** деб номланувчи биринчи боби ёрдамчи ҳисобланиб, тўйинтирилган суюқликли ғовак муҳитда ночизиқли тўлқиннинг тарқалиши учун хусусий ҳосилали ночизиқли тенгламани тузиш келтирилган. Бу боб мавзуга кириш бўлиб, уни баён қилишда қулайлик учун келтирилган. Деформация метрик тензорининг эволюцияси учун олинган тенгламалар, эластик муҳитда ночизиқли тўлқинларни ўрганишда фойдаланилади. Ҳам диссипативсиз, ҳам диссипативли яқинлашишларда суюқлик билан тўйинтирилган ғовок муҳитларда ночизиқли тўлқин тарқалишини ифодалайдиган дифференциал тенгламалар системаси қурилган.

Иккинчи боб “**Ғовак муҳитда SH тўлқинли тенглама учун тескари динамик масалада регуляризация**” деб номланган биринчи бобда олинган ғовак муҳитда SH тўлқин тенгламасининг математик модели учун бир ўлчамли тўғри ва тескари динамик масалани ўрганишга бағишланган.

Бобнинг 2.1-параграфида регуляризацияловчи операторнинг таърифи келтирилган.

Айтайлик, $Au = f$ операторли тенглама берилган бўлсин, бу ерда $A-$ нормаланган X фазони нормаланган F фазога ўтказувчи чизиқли оператор. 1963 йил А.Н.Тихонов нокоррект қўйилган масалалар назарияси учун муҳим бўлган регуляризацияловчи алгоритмнинг машҳур таърифини берган.

1-таъриф. Қуйидаги икки хоссага эга бўлган $R(\delta, f_\delta) \equiv R_\delta(f_\delta)$ оператор:

1) $R_\delta(f_\delta)$ ихтиёрий $\delta > 0$, $f_\delta \in F$ учун аниқланган ва $(0,+\infty)\times F$ тўпламни X тўпламга акслантиради;

2) ихтиёрий $u \in X$ ва ихтиёрий $f_\delta \in F$ учун $Au = f$, $\|f - f_\delta\| \le \delta$, $\delta > 0$, $u_\delta = R_\delta(f_\delta) \xrightarrow[\delta\to 0]{} u$ регуляризацияловчи алгоритм (регуляризацияловчи оператор) деб аталади.

Операторли тенгламани ечиш масаласи регулярицазияланувчи дейилади, агар ҳеч бўлмаганда битта регуляризацияловчи алгоритм топилса. Таърифдан бевосита келиб чиқадики, агар ҳеч бўлмаганда битта РА мавжуд бўлса, унда улар чексиз кўп мавжуд бўлади.

Ҳозирги вақтда барча математик масалаларни қуйидаги синфларга ажратиш мумкин:

1. Коррект қўйилган масалалар.
2. Нокоррект қўйилган регуляризациланувчи масалалар.
3. Нокоррект қўйилган регуляризацияланмайдиган масалалар.

Бобнинг 2.2-параграфида суюқлик билан тўйинтирилган ғовак муҳитда чизиқли SH тўлқин тарқалишини ифодаловчи чизиқли тенгламалар системаси олинган.

Биринчи бобда олинган динамик тенгламалар система

$$
\begin{gathered}
\frac{\partial \rho}{\partial t} + \operatorname{div}\mathbf{j} = 0, \quad \mathbf{j} = \rho_s\mathbf{u} + \rho_l\mathbf{v}, \\
\frac{\partial u_i}{\partial t} + (\mathbf{u},\nabla)u_i = -\frac{1}{\rho}\partial_i p - \frac{\rho_l}{2\rho}\partial_i\mathbf{w}^2 + \frac{\rho_l}{2\rho\rho_s}h_{\alpha\beta}\partial_i g^{\alpha\beta} + \\
+\bar{\lambda}\frac{\rho_l}{\rho_s}\partial_i T + \bar{k}\frac{\rho_l}{\rho_s}(j_i - \rho u_i) - \frac{1}{\rho_s}\partial_k\left(h_{\alpha\beta}e_i^\alpha e_k^\beta\right), \\
\frac{\partial v_i}{\partial t} + (\mathbf{v},\nabla)v_i = -\frac{1}{\rho}\partial_i p + \frac{\rho_s}{2\rho}\partial_i\mathbf{w}^2 - \frac{h_{\alpha\beta}}{2\rho}\partial_i g^{\alpha\beta} - \\
-\bar{\lambda}\partial_i T - \bar{k}(j_i - \rho u_i) + \frac{1}{\rho_l}\partial_k\left(\eta\left(\partial_k v_i + \partial_i v_k - \frac{2}{3}\delta_{ik}\operatorname{div}\mathbf{v}\right)\right) + \qquad (1) \\
+\frac{1}{\rho_l}\partial_i\left(\zeta_1\operatorname{div}(\mathbf{j} - \rho\mathbf{u}) + \zeta_2\operatorname{div}\mathbf{v}\right), \\
\frac{\partial \mathbf{e}^\alpha}{\partial t} + \nabla\left(\mathbf{e}^\alpha,\mathbf{u}\right) = 0, \quad \left(\mathbf{e}^\alpha,\mathbf{e}^\beta\right) = g^{\alpha\beta},\ \rho_s = \frac{const}{\sqrt{\det\left(g_{\alpha\beta}\right)}}, \quad \rho = \rho_s + \rho_l, \\
\frac{\partial S}{\partial t} + \operatorname{div}\left(\frac{\mathbf{j}}{\rho}S - \frac{k}{T}\nabla T - \bar{\lambda}(\mathbf{j} - \rho\mathbf{u})\right) = \frac{R}{T},\ E_0 = E_0\left(\rho, S, \mathbf{j}_0, g^{\alpha\beta}\right)
\end{gathered}
$$

суюқлик билан тўйинтирилган эластик диформацияланувчи остовда энергия диссипацияси ҳақидаги ночизиқли тўлқин тарқалишини баён этади. Қуйида биз фақат фазалараро ишқаланиш коэффициенти $\chi = \bar{k}$ билан боғлиқли энергия диссипацияси ҳолини қараймиз. Шу билан бирга, чизиқли кўндаланг тўлқин тарқалиш ҳолни ҳам қараймиз. Ана шундай ҳолда (1) тенгламалар системаси қуйидаги

$$\rho_s \mathbf{u}_{tt} = \mu \Delta \mathbf{u} - \rho_l^2 \chi (\mathbf{u}_t - \mathbf{v}_t), \tag{2}$$

$$\rho_l \mathbf{v}_t = \rho_l^2 (\mathbf{u} - \mathbf{v}) \tag{3}$$

кўринишга келади. Бу ерда $\mu -$ эластик ғовак жисмнинг силжиш модели.

Таъкидлаш жоизки, ғоваклик бўлмаганда ($\rho_l \to 0$) (2), (3) система эластиклик назариясидаги кўндаланг тўлқин тенгламасига келади.

Бобнинг 2.3-2.5-параграфларида бир жинсли бўлмаган ғовак-эластик муҳит учун бир ўлчовли тўғри ва тескари динамик масалаларининг қўйилиши келтирилган.

Айтайлик, $z > 0$ ярим фазо бир жинсли бўлмаган ғовак муҳит билан тўлдирилган бўлсин. Ундаги компоненталараро ишқаланиш коэффициенти $b(z) = \rho_l(z)\chi(z)$ билан шартланган энергиянинг ютилишини инобатга олинган ҳолдаги сейсмик SH тўлқин тарқалиш тенгламаси

$$\rho_s(z)u_{tt} = \left(\mu(z)u_z\right)_z - \rho_l(z)b(z)\left(u_t - v_t\right), \tag{4}$$

$$\rho_l(z)v_{tt} = \rho_l(z)b(z)\left(u_t - v_t\right), \tag{5}$$

кўринишда бўлади. Бу ердаги u ва v мос равишда $\rho_s(z)$ ва $\rho_l(z)$ парциал зичликли эластик ғовак жисм ва суюқлик зарраларининг аралашиш тезлиги векторининг компаненталари.

Фараз қилайлик, ғовак муҳит $t < 0$ да тинч ҳолатда бўлсин.

$$u\big|_{t=0} = u_t\big|_{t=0} = 0, \tag{6}$$

$$v\big|_{t=0} = v_t\big|_{t=0} = 0. \tag{7}$$

Ғовак ярим фазонинг чегараси $z = 0$ да

$$\mu u_z\big|_{z=0} = \delta(t), \tag{8}$$

куч таъсир этсин. Бунда $\delta(t)$-Дирак функцияси.

Айтайлик, (8) маълумотга ва берилган бир марта узлуксиз дифференциалланувчи мусбат $\rho_s(z)$, $\mu(z)$, узлуксиз мусбат $\rho_l(z)$, $b(z)$ функцияларга кўра (4)-(8) масаладан икки марта узлуксиз дифференциалланувчи $u(t,z), v(t,z)$ функцияни топиш талаб қилинсин. Бундай масалани ғовак муҳитда SH тўлқинли тенглама учун тўғри динамик масала деб атаймиз.

Татбиқларда энг муҳими дифференциал тенгламанинг ўзгарувчи коэффициентларини аниқлаш ҳақида масала ҳисобланади. Бу дифференциал тенгламалар физик жараёнларни баён қилиши, тенгламанинг коэффициентлари эса бу жараёнлар кечаётган муҳитнинг физик характеристикалари билан боғланганлигини изоҳлайди. Тўғридан-тўғри бу коэффициентларни бевосита ўзгартириш мумкин эмас. Жисмнинг хоссаларини аниқлаш ҳақидаги масала тескари масала бўлади.

(4), (5) системадан $u(t,z), v(t,z)$ функциялардан бошқа қолган $\rho_s(z), \rho_l(z), b(z)$ коэффициентларни маълум деб ғовак жисмнинг силжиш модули (ёки $c_t(z) = \sqrt{\mu(z)/\rho_s(z)}$ кўндаланг тўлқиннинг тарқалиш тезлиги) номаълум бўлсин. Бунинг учун

$$u\big|_{z=0} = \phi(t) \tag{9}$$

қўшимча маълумотга эгамиз.

Қўйилган бу тескари масалани 1-**масала** деб атаймиз.

2-масала. (9) маълумотга кўра (4)-(8) масаладан $\chi(z)$ функцияни тиклаш (бунда $\rho_s(z), \rho_l(z), \mu(z)$ функцияларни маълум деб ҳисобланган) талаб қилинсин.

3-масала. (9) маълумотга кўра (4)-(8) масаладан $\rho_s(z)$ функцияни тиклаш (бунда $\rho_l(z), b(z), \mu(z)$ функцияларни маълум деб ҳисобланган) талаб қилинсин.

4-масала. (9) маълумотга кўра (4)-(8) масаладан $\rho_l(z)$ функцияни тиклаш (бунда $\rho_s(z), b(z), \mu(z)$ функцияларни маълум деб ҳисобланган) талаб қилинсин.

1-масалани текширамиз, 2-,3 ва 4-масалалар 1-масалага ўхшаш текширилади.

Бобнинг 2.6-параграфида ғовак-эластик муҳитда бир ўлчамли тескари динамик масаланинг регуляризацияловчи алгоритми қурилган. Тескари динамик масалани ечими берилганларга узлуксиз боғлиқлиги ҳақидаги теорема исботланган. Қаралаётган ғовак-эластик муҳитда бир ўлчамли тескари масала учун турғунлик баҳоси олинган.

Айтайлик, $\phi = A \ln \sigma$ функция ўрнига $\tilde{\phi} \in C^1[0,T]$, $\|\phi - \tilde{\phi}\| \le \delta$ тақрибий қиймати берилган бўлсин. Агар $\phi \in \Phi$ бўлса, у ҳолда A^{-1} операторнинг Ф тўпламда узлуксизлигидан σ нинг тақрибий қиймати сифатида $\tilde{\sigma} = \exp\left[A^{-1}\tilde{\phi}\right]$ деб олиш мумкин. Фараз қилайлик $\tilde{\phi} \in C^1[0,T], \tilde{\phi}(0) < 0$ бўлсин, лекин умуман олганда Ф тўпламга тегишли эмас. Бу ҳолда тақрибий қийматни топишнинг анъанавий усулларига кўра Ф тўпламдаги A^{-1} тескари операторнинг аппроксимацияловчи ва бутун Ф тўпламда аниқланган $R : \tilde{\Phi} \to C^1[0,T/2]$, $\tilde{\Phi} = \left\{\phi \in C^1[0,T] : \phi(0) < 0\right\}$ акслантиришни тузамиз.

Энди $A \ln \sigma = \phi, \phi \in \Phi$ тенгламани Вольтерра тенгламасига эквивалент эканлигини кўрсатамиз. Бунинг учун $\Delta(T)$ тўпламда узлуксиз $z(x,t) = \left(z_1(x,t), z_2(x,t), z_3(x), z_4(x)\right)$ вектор-функцияли Z банах фазони киритамиз. Бу фазода $C\left(\Delta(T)\right)$ фазодан олинган скаляр функцияга кўпайтириш ва $\|z\| = \max\left\{\|z_1\|, \|z_2\|, \|z_3\|, \|z_4\|\right\}$ норма аниқланган.

Z фазода

$$z_0(x,t) = \left(P\phi\right)\left(x,t\right) \equiv \left\{\frac{1}{2}\phi'(t+x) - \frac{1}{2}\phi'(t-x), \frac{1}{2}\phi'(t+x) + \right.$$

$$\left. + \frac{1}{2}\phi'(t-x),\ \phi'(2x), 1/\phi(0)\right\},\ \phi \in \tilde{\Phi}$$

вектор-функциялардан тузилган $\tilde{Z}_0$ қисм тўпламни ажратамиз.

Равшанки, $\tilde{Z}_0$ ва $\tilde{\Phi}$ тўпламлар ўртасида ўзаро бир қийматли мослик мавжуд. Агар $\phi \in \tilde{\Phi}$ бўлса, $z_0 \in \tilde{Z}_0$ деб ёзамиз. $M : Z \times \overline{\mathbb{R}}_+ \to Z$, $\overline{\mathbb{R}}_+ = \{t : t \geq 0\}$ оператор бўлсин.

1-лемма. $z = z_0 + M(z,0)$, $z_0 \in \tilde{Z}_0$ тенглама Z да ечилиши учун $z_0 \in Z_0$ бўлиши зарур ва етарли.

Қуйидаги регуляризацияланган $z = z_0 + M(z,\alpha)$, $\alpha > 0$ тенгламани текширишга ўтамиз. Айтайлик B_r-Z фазодаги радиуси r га тенг бўлган $B_r = \{z \in Z : \|z\| \leq r\}$ шар ва унда

$$\|z\|(x) = \max\left\{\sup_{x \leq t \leq T-x} |z_1(x,t)|, |z_2(x,t)|, |z_3(x)|, |z_4(x)|\right\}, \ z \in Z$$

норма аниқланган.

2-лемма. 1. $M \in C^1\left(Z \times \overline{\mathbb{R}}_+; Z\right)$, M оператор $Z \times \overline{\mathbb{R}}_+$ да узлуксиз ва Z фазода узлуксиз $M_z(z,\alpha), M_\alpha(z,\alpha)$ хусусий ҳосилаларга эга.

2. Ҳар қандай $z \in Z$, $\alpha > 0$ учун

$$\left\|M(z,\alpha)\right\|(x) \leq \frac{c_1}{2\alpha}\int_0^x \|z\|(\xi)d\xi, \ x \in [0, T/2], \tag{10}$$

бунда $c_1(\alpha,T) = \left(1 + 2b_{00}\dfrac{\rho_{00,l}}{\rho_{0,s}}\right)(1 + 2Tb_{00})$, ўринли.

3. Ҳар қандай $r > 0$, $\alpha > 0$, $z \in B_r$, $y \in B_r$ учун

$$\|M(z,\alpha) - M(y,\alpha)\|(x) \leq c_2(r,\alpha,T)\int_0^x \|z - y\|(\xi)d\xi, \ x \in [0, T/2], \tag{11}$$

бунда $c_2(r,\alpha,T) = \left(1 + 4r\sqrt{\alpha} + b_{00}\dfrac{\rho_{00,l}}{\rho_{0,s}}\alpha\right)(1 + 2Tb_{00})/(2\alpha)$, ўринли.

Энди регуляризацияланган

$$z = z_0 + M(z,\alpha) \tag{12}$$

тенгламани қараймиз.

1-**теорема.** Айтайлик, $z_0 \in Z$ бўлсин. У ҳолда барча $\alpha > 0$ сон учун Z фазода (12) тенгламанинг $z(\alpha)$ ягона ечими мавжуд бўлиб, бу ечим кўпроқ α параметрнинг функцияси сифатида $\mathbb{R}_+$ да узлуксиз дифференциалланувчи ва

$$\|z(\alpha)\|(x) \leq \|z_0\| + \frac{c_1}{2\alpha}\int_0^x \|z(\alpha)\|(\xi)d\xi, \ x \in [0.T/2], \tag{13}$$

тенгсизлик ўринли.

1-**натижа.** Агар $z_0 \in Z_0$ бўлса, у ҳолда барча $\alpha \geq 0$ учун Z фазода (12) тенгламанинг ечими мавжуд ва ягона ҳамда бу ечим $C^1\left(\overline{\mathbb{R}}_+, Z\right)$ синфга тегишли.

Бошланғич масалага қайтамиз. Бизга $\phi(0)=\tilde{\phi}(0), \left\|\phi-\tilde{\phi}\right\|\le\delta, \phi\in\Phi$ шартларни қаноатлантирувчи $\tilde{\phi}\in\tilde{\Phi}$ функция маълум ҳамда $z_0=P\phi\in Z_0$ ва $\tilde{z}_0=P\tilde{\phi}\in\tilde{Z}_0, \left\|z_0-\tilde{z}_0\right\|\le\delta$ ўринли.

Қуйидаги $z=\tilde{z}_0+M(z,\alpha)$ тенгламани қараймиз. 1-теоремага кўра $\alpha>0$ бўлганда бу тенглама Z фазода ягона ечимга эга. Бу ечимни $\tilde{z}(\alpha)$ орқали белгилаймиз. $z=z_0+M(z,\alpha), \alpha>0$ тенгламанинг ечимини $z(\alpha)$ орқали белгилаймиз. Тескари масаланинг аниқ ечими $z(0)$. $\tilde{z}(\alpha)$ функция $R:\tilde{Z}_0\times\mathbb{R}_+\to Z, \tilde{R}(\tilde{z}_0,\alpha)=\tilde{z}(\alpha)$ операторни ҳосил қилади.

Кейинги теореманинг моҳиятига кўра, бу R оператор

$$z=z_0+M(z,0)$$

тенглама учун регуляризацияловчи оператор ҳисобланади.

2-теорема. Айтайлик, $\delta\le\delta_0$ бўлсин. У ҳолда шундай $\alpha(\delta)\in C(0,\delta_0]$, $\alpha>0$, $\lim\limits_{\delta\to0}\alpha(\delta)=0$ функция мавжудки, $\lim\limits_{\delta\to0}\left\|\tilde{z}(\alpha)-z(0)\right\|=0$ ўринли.

Ушбу теоремадан кўринадики, R оператор Z_0 тўпламнинг $Z_{0l}=\{z_0\in Z_0 : l(z_0)<l\}$ кўринишдаги ҳар қандай Z_{0l} қисм тўпламида текис регуляризацияланган оператор бўлади. Z_{0l} тўплам қаралаётган тескари масаланинг корректлик тўплами деб юритилади.

Бобнинг 2.7 ва 2.8- параграфида бир ўлчовли ғовак-эластик тенгламаси учун Дарбунинг биринчи масаласи ўрганилган. Қаралаётган тўғри масаланинг ечилиши кўрсатилган.

Боғлиқ бўлмаган x ва t ўзгарувчилар текислигида хотирали чизиқли гиперболик

$$Lu:=u_{tt}-u_{xx}+(\ln\sigma)'(x)u_x-b(x,t)\frac{\rho_l(x)}{\rho_s(x)}u-$$

$$-b^2(x,t)\frac{\rho_l(x)}{\rho_s(x)}\int\limits_0^t e^{-\int_s^t b(x,y)dy}b(x,s)u(x,s)ds=f(x,t) \qquad (14)$$

тенгламани қарайлик.

Бунда u функция $\rho_s(x)$ порциал зичликли ғовак-эластик жисм заррачалар булагининг аралашиш тезлик векторининг қидирилаётган компонентаси, $\sigma(x)=\sqrt{\mu(x)\rho_s(x)}$, $\mu(x)$, $b(x,t)$-мусбат функциялар, $f(x,t)$-берилган функция. $\rho_l(x)$ порциал зичликли суюқлик тезлигининг υ компанентаси u функция билан

$$\upsilon(x,t)=\int\limits_0^t e^{-\int_s^t b(x,y)dy}b(x,s)u(x,s)ds$$

муносабат орқали боғланган.

(14) тенглама ғовак-эластиклик назариясида пайдо бўлади.

$\Gamma_{1,T}: x=t, 0\le t\le T$ характеристик кесма билан, шунингдек $\Gamma_{2,T}: x=0, 0\le t\le T$ ва $\Gamma_{3,T}: x=T, 0\le t\le T$ кесмалар билан чегараланган учбурчакли соҳани

$$D_T := \{(x,t): 0<x<t, 0<t<T\},\ T\le\infty$$

деб белгилаймиз.

(14) тенглама учун D_T соҳада бу интегро-дифференциал тенгламани

$$u\big|_{\Gamma_{i,T}} = 0,\ i=1,2 \tag{15}$$

чегаравий шарт бўйича $u(x,t)$ ечимини аниқлаш ҳақидаги Дарбунинг биринчи масаласини қараймиз.

Иккинчи тартибли хотирали гиперболик тенглама учун Дарбунинг биринчи масаласи текширилган. Қуйилган масаланинг ечилиши ҳақидаги савол муҳакома қилинган.

2-**таъриф.** Айтайлик, $[0,T]$ сегментда $\rho_s(x)$, $\mu(x)$ функциялар бир марта узлуксиз дифференциалланувчи функция, $\rho_l(z)$ узлуксиз функция, $b(x,t)\in C(\bar{D}_T)$, $f(x,t)\in C(\bar{D}_T)$ бўлсин. Агар $u\in C(\bar{D}_T)$ ва шундай $u_n\in \tilde{C}^2(\bar{D}_T, S_T)$ функциялар кетма-кетлиги топиладики, $n\to\infty$ да $C(\bar{D}_T)$ фазода $u_n\to u$ ва $Lu_n\to f$ бўлса, бунда

$$\tilde{C}^2(\bar{D}_T, S_T) := \{u\in C^2(D_T): u\big|_{S_T}=0\},\ S_T := \Gamma_{1,T}\cup\Gamma_{2,T}$$

$u(x,t)$ функция (14), (15) масаланинг D_T соҳада C синфдаги кучли умумлашган ечими дейилади,

Айтайлик, $P := P(x,t)$ нуқта D_T соҳадаги ихтиёрий нуқта бўлсин. $D_{x,t}$ орқали учлари $O := O(0,0)$, P нуқтада, шунингдек мос равишда берилган $\Gamma_{2,T}$ ва $\Gamma_{1,T}$ тўғри чизиқларнинг ташувчисида ётувчи P_1 ва P_3 нуқталарда бўлган туртбурчакни белгилаймиз, бунда

$$P_1 := P_1(0, t-x),\quad P_3 := P_3((x+t)/2, (x+t)/2).$$

Маълумки, $D_{x,t}$ соҳа $D_{1x,t} := PP_1P_2P_3$ характеристик тўғри тўртбурчак ва $D_{2x,t} := OP_1P_2$ учбурчакдан тузилган, бунда $P_2 := P_2((t-x)/2, (t-x)/2)$.

Фараз қилайлик, $[0,T]$ сегментда $\rho_s(z)$, $\mu(x)$ функциялар уч марта узлуксиз дифференциалланувчи, $\rho_l(x)$ функция бир марта узлуксиз дифференциалланувчи ва $b(x,t)\in C^1(\bar{D}_T)$ бўлсин.

(14), (15) масаланинг $C^2(\bar{D}_T)$ синфдаги $u(x,t)$ классик ечими учун интеграл

$$u(x,t) - \int\limits_{D_{x,t}} G(x',t';x,t)b^2(x',t')\frac{\rho_l(x')}{\rho_s(x')}\int\limits_0^{t'} e^{-\int_s^{t'} b(x',y)dy} b(x',s)u(x',s)dsdx'dt' =$$

$$= \int\limits_{D_{x,t}} G(x',t';x,t)f(x',t')dx'dt',\quad (x,t)\in\bar{D}_T \tag{16}$$

тенглик ўринли.

Айтайлик, $u \in C(\bar{D}_T)$ функция (16) иккинчи тур Вольтерра интеграл тенгламанинг ечими бўлсин. f функция $\bar{D}_T$ тўпламда узлуксиз бўлганлигидан, $C^2(\bar{D}_T)$ фазо $C(\bar{D}_T)$ фазода зичлигидан, шундай $f_n \in C^2(\bar{D}_T)$ функциялар кетма-кетлиги мавжудки, $C(\bar{D}_T)$ фазода $n \to \infty$ да $f_n \to f$ бўлади. Худди шунга ўхшаш, $u \in C(\bar{D}_T)$ учун $\tilde{u}_n \in C^2(\bar{D}_T)$ функциялар кетма-кетлиги мавжудки, $C(\bar{D}_T)$ фазода $n \to \infty$ да $\tilde{u}_n \to u$ бўлади.

u_n функцияни қуйидаги

$$u_n := M_1\tilde{u}_n + M_2 f_n, \quad n = 1,2,... \tag{17}$$

кўринишда ёзиб оламиз.

Бу ерда M_1 ва M_2-ушбу

$$M_1 u := \int\limits_{D_{x,t}} G(x',t';x,t)b^2(x',t')\frac{\rho_l(x')}{\rho_s(x')}\int\limits_0^{t'} e^{-\int_s^{t'} b(x',y)dy} b(x',s)u(x',s)dsdx'dt',$$

$$M_2 u := \int\limits_{D_{x,t}} G(x',t';x,t)b^2(x',t')u(x',t')dx'dt', \qquad (x,t) \in D_T$$

формулалар билан аниқланадиган чизиқли оператор.

3-лемма. $u \in C(\bar{D}_T)$ функция (14), (15) масаланинг D_T соҳадаги C синфдаги кучли умумлашган ечими бўлиши учун у (16) ночизиқли интеграл тенгламанинг узлуксиз ечими бўлиши зарур ва етарли.

(16) нинг чизиқли ва вольтеррали эканлигига кўра қуйидаги леммани исботлаш мумкин.

4-лемма. (14), (15) масаланинг D_T соҳада C синфдаги кучли умумлашган ечими учун

$$\|u\|_{C(\bar{D}_T)} \le c\|f\|_{C(\bar{D}_T)} \tag{18}$$

априор баҳо ўринли, бу ерда $c(T,\rho_l,\rho_s,\mu,b)$ коэффициент u ва f функцияларга боғлиқ бўлмаган мусбат ўзгармас.

3-таъриф. Айтайлик, $[0,T]$ сегментда $\rho_s(x)$, $\mu(x)$ коэффициентлар бир марта узлуксиз дифференциалланувчи, $\rho_l(x)$ узлуксиз функция ва $b(x,t) \in C^1(\bar{D}_T)$ бўлсин. Агар ихтиёрий чекли $T > 0$ учун (14), (15) масала D_T соҳада узлуксиз функциялар синфи C да кучли умумлашган ечимга эга бўлса, (14), (15) масала узлуксиз функциялар синфи C да глабал ечилади дейилади.

(17) тенгламани ушбу $u = Au := M(u + f)$ оператор кўринишида ёзиб оламиз. Бунда $A : C(\bar{D}_T) \to C(\bar{D}_T)$ оператор узлуксиз ва компакт, чунки $Mu := M_1 u + M_2 f$ формула билан аниқланадиган $M : C(\bar{D}_T) \to C(\bar{D}_T)$ чизиқли оператор чегараланган ва узлуксиз, $M : C(\bar{D}_T) \to C(\bar{D}_T)$ чизиқли оператор компакт ҳисобланади. Шу билан бирга, 3 ва 4-леммага кўра, ихтиёрий $s \in [0,1]$ параметр ва $u = sAu$ операторли тенгламанинг ихтиёрий $u \in C(\bar{D}_T)$ ечими учун

$$\|u\|_{C(\bar{D}_T)} \leq c\|f\|_{C(\bar{D}_T)}$$

априор баҳо ўринли, бунда c-u, f ва s ларга боғлиқ бўлмаган мусбат ўзгармас сон. Шунинг учун Лере-Шаудер теоремасига кўра (18) тенглама 4-лемманинг шартига кўра ҳеч бўлмаганда битта $u \in C(\bar{D}_T)$ ечимга эга. Шундай қилиб 3-леммадан қуйидаги теорема исботланган.

3-теорема. (14), (15) масала 3-таъриф маъносида узлуксиз функциялар синфи C да глабал ечилади, яъни агар $f \in C(\bar{D}_T)$ бўлса, у ҳолда ихтиёрий $T > 0$ учун (14), (15) масала D_T соҳада узлуксиз функциялар синфи C да кучли умумлашган ечимга эга бўлса.

Қаралаётган III боб **“Ғовак-эластик муҳитда биргаликдаги бир ўлчамли тескари динамик масалалар”** ғовак-эластик муҳитда биргаликдаги бир ўлчамли тескари динамик масалалар қаралган: ғовак $\mathbb{R}_+^2 = \{(x, y) \in \mathbb{R}^2 \,|\, y > 0\}$ ярим фазода SH тўлқинни тарқалиш жараёнини ифодалайдиган икки ўлчамли ғовак-эластик тенглама учун фақат y чуқурлигига ва ярим фазонинг чегарасида таъсир этувчи импульс нуқтали манбанинг номаълум шаклига боғлиқ бўлмаган муҳит структурасининг тўртта параметридан биттасини аниқлаш ҳақидаги масала қаралган. Исботланганки, манба ва муҳит структурасининг тузилиши ҳақидаги маълум бир фаразларда иккала бир ўлчовли номаълум функцияларнинг иккаласи ҳам чегара нуқталарининг силжиши берилиши билан бир қийматли аниқланади. Масала ечимининг турғунлик баҳолари келтирилган.

Бобнинг 3.1-параграфида номаълум қўзғатувчи манбали ғовак-эластик муҳитда тескари масалаларнинг қўйилиши муҳокама қилинган.

$G = \mathbb{R}_+^2 \times \mathbb{R}, \mathbb{R}_+^2 = \{(x, y) \in \mathbb{R}^2 | y > 0\}$ ярим фазода $u(x, y, t)$, $v(x, y, t)$ функцияларга нисбатан

$$\rho_s u_{tt} = (\mu u_x)_x + (\mu u_y)_y - b\rho_l(u_t - v_t), (x, y, t) \in G, \tag{19}$$

$$\rho_l v_t = b\rho_l(u - v), \ (x, y, t) \in G \tag{20}$$

